

Маҳалла



**РЕСПУБЛИКАМИЗ
МАҲАЛЛАЛАРИДА**

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 9 февраль. Шанба №12 (872) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА



«КАМОЛ
ЭТ
КАСБКИМ,
ОЛАМ
УЙИДИН»

Юртбошимиз «Юсак маънавият — енгилмас куч» асарида «Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, баъдий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёнаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир», дея таъкидлаган.

Бугун юртимизда улуг шоир асарларини ўрганиш, унинг маънавий меъросини кенгроқ тарғиб этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганда.

Дарҳақиқат, шоир асарларидан баҳраманлиқ инсонни қомилликка қорлаб, унинг маънавиятини беҳад бойитиши. Ҳазратнинг дoston ва газалларида ватаншарварлик, қаҳрамонлик, мардик, матонат, бағрикенглик, инсонийлик, меҳр ва муҳаббат, миллий-маънавий қадриятлар мутлақо тақдирланмас қирралари билан намоён бўлади.

чинакам саодат, — дейди филология фанлари доктори, профессор Суйима Ғаниева. — Сўз мулкнинг султони асарларини ўрганиш, ҳазратнинг ижод қасрига кириш — муқаддас бир ибодаттоҳта, улкан бир санъат масканига киргандагидек махсус тайёргарликни талаб қилади. Навоий даҳоси шу қадар буюк, тафаккур дунёси шу даражада теран ва маҳобатлики, уни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилиш демакдир.

— Навоийни англаш мақомига етиш

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



Ушбу дастур ижросини таъминлаш доирасида Бухоро вилоятида тиббиёт маънавиятини моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш, шифокорлар малакасини ошириш, кишиларнинг саломатлик борасидаги билимларини чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШЛАРИ

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишчи чора-тадбирлар самараси ўлароқ, маҳалла институти жамиятимиз сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётининг муҳим таркибий қисмига айланди.



бориш тизимидаги вазифалар ижросини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, туман ҳокимларининг ҳисоботлари 443 марта эшитилди. Бунда 476 та фуқаролар йиғинининг иштироки таъминланди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг 2012 йил фаолият якунига бағишланган йиғилишида ана шу жиҳатлар алоҳида таъкидланди.

Қайд этиб ўтилганидек, ўтган йили Фонднинг Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлиmlари томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури, Фонд иш режаси ва бошқа дастурларда белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жами 11 миллиард 448 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

— Мустаҳкам оила йили фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама самарали йил бўлди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими масъул котиби Зухридин Асомов. — 312 та фуқаролар йиғинининг биноси ўз балансларига ўтказиб берилди. 476 таси компьютер, 420 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Концепцияда белгиланганидек, фуқаролар йиғинларининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ МУҲДАСИ

Ўтган йили халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари воҳамизнинг бошқа ҳеч қайси ҳуудат билан қиёслаб бўлмайдиган табиати, саховатли тушроғи, кўҳна тарихи ва бой маданиятини, мана шу ерда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга бардош бериб, она юртига садоқат билан яшаётган, ўз кучига ишонган, ўз қадр-қимматини яхши билладиган, мард ва матонатли одамлар юрти эканини, самимийлик, тўғрилиқ, қандай аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни очик айтиш, мавжуд вазиятни ҳаққоний баҳолаш каби хусусиятлар айнан шу элга мансублигини таъкидлади.

Юртбошимиз бундай фазилатларни юқсак баҳолаб, вилоят аҳлига яна бир бор ўзининг юксак ҳурматини изҳор этгани ҳар бир хоразмликнинг, жумладан, менинг ҳам қалбимни гурурга тўлдирди.

Дарҳақиқат, бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда

ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминлашиб, катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Вилоятда саноат, қурилиш, қўрилиш қўшма корхоналари, маданият, соғлиқни сақлаш, илму фан, таълим-тарбия, спорт соҳаларида салмоқли натижаларга эришилди. Кишлоқ ва шаҳарлар қиёфаси тобора кўркاملанмоқда.



КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИДАН

ЯРАШТИРИШ ЯХШИЛИКНИНГ ЯРОФИДИР

Саҳарда уйғонган қўшин «барака кирад», деган умид билан кўча эшигини очди. Худди шу аснода рўпарадаги ёғоч дарвоза ҳам «кўз очди» — оқ ятакли қўшин кўринди. Кўзлар ихтиёрсиз тўқнашди, лекин дарҳол олиб қочилди. Бир оғиз каломни на униси, на буниси раво кўрди.

Эшиклар яна ёпилди. Ризқ-рўз, барака умидидаги яхши тилак ҳам бир нафасда йўққа чиқди.

Бу каби англашимовчилик, гина-қудуратлар қўшниллар ўртасида учрамасин экан. Зотан, ака-ука, ота-бола, эр-хотин орасидаги низолар тезда барҳам топару, аммо қўшнилларнинг адовати йиллардан йилларга, насл-насабларга, авлодларга ўтиши мумкин...

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКОНА САМИМИЯТ МЕНИ МАФТУН ЭТАДИ

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг шоҳидиман. Айниқса, давлат томонидан таълим тизимига қаратилган эътибор, кўрсатилган раҳбарлик дунёнинг камдан-кам давлатларида кузатилади. Бу эса, келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар туғилган-ўзган муборак заминга таъриф буюришини ёшлигимдан орзу қилардим.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, Япония билан йўлга қўйилган дипломатик муносабатлар туфайли орзуларим ушадди: юртингизга нафақат келиш, балки шу ерда яшаш ва ишлаш ҳам насиб этди. Мамлакатингизга таърифим истиқлолнинг илк кунларига тўғри келган. Уша пайтдаги Тошкент шаҳри билан бутунги пойтахтингиз қиёфаси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Энг муҳими,

эртанги кунга бўлган ишончи халқингизни юксак марралар сари чорламоқда. Ўтган 22 йил давомида ўзбек йигит-қизларига япон тилидан сабоқ бердим. Машгулотларим давомида ўзбек ёшларининг зийрак ва тиришқоқлиги, интилувчанлиги мени ҳайратга солди. Берилган вазифаларни ўз вақтида бажариш, устозларнинг ҳурматини жойига қўйишда ўзбек фарзандларига етadигани йўқ.

ри учун маҳорат мактабини ўтамоқда. Ўтган йили 20 нафар ўзбек йигит-қизи кунчиқар давлатда бўлиб, таъриба орттириб келишди.

Юртингизга келиб ўргатганларимдан ўрганганларим кўп бўлди. Мисол учун, қўрилиш қўшма корхоналари бирда ишга кетаётган, машинанинг олдинги видираги сирпаниб ариққа тушиб кетди. Шунда ортимдан келётган ҳайдовчилар дарҳол тўхтаб, мени бу кўнгилсиз ҳолатдан қутқарди. Японияда шундай вазиятда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бошқармасига кўнгирок қилиб, уларнинг келишини анча вақт кутиб қолган бўлардим.

Бу юртда киши ўзини бегона ҳис этмас экан. Ҳамма бир-бирига меҳрибон. Масалан, бозор-учар қилиб келётганимни кўрган қўшимиз фарзандлари жонимга оро кирди. Айниқса, ўзим яшайдиган Чилонзор туманидаги «Новза» маҳалла фуқаролар йиғини фаолари доимо ҳолимдан хабар олиб туришди.

Халқингизнинг меҳмондўст эканини аввал кўп эшитганман. Аммо бу ерга келганимдан кейин бунинг амадағи исботини кўрдим. Баъзан ишдан кеч қайтаганимни кўрган қўшимларим даров қўларига таом солинган идиш билан йўқлашади. Рост, аввалига бу нарсага унчалик қўнжикмадим. Энди эса бунинг замирида меҳр-оқибат, бирдамлик каби фазилатлар мужассам эканини англаб етдим. Узим ҳам баъзан кўнгли туссаганда японча таом тайёрласам, албатта, қўшилларимга улашаман.

Юртингиздаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолига қўрсатаётган беминнат хизматларини дунёнинг бошқа ҳеч бир жойида учратмадим. Йигини маслаҳатчисининг кўмаги билан Маҳмуд исмли хўнараманд қиз менга кашта тикишни ўргатди. Айтсам куласиз, биринчи сабоқ эвазига пул чиқариб берганимда у хижолат бўлди, олмади. Кейин билсам бу каби хўнарлар сизда бепул ўргатилар экан.

Дарвоқе, таълим тизимига ҳамда ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган камтарона ҳиссам муносиб қадрланди: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги ҳамда Япония Ташқи ишлар вазирлиги томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда мукофот билан тақдирландим.

Ҳар ёз таътил бошлангани билан Японияга ошиқман. Ёру биродар, қавму қариндошларим билан суҳбатлашиб, Ўзбекистондан олган олам-олам таассуротларимни уларга гапириб берман. Бир ой ўтиши билан яна Тошкентга қайтгим келаверади. Бонси, халқингизнинг қайноқ меҳри, ўзбекона самимиият мени шу заминга чорлайверади.

Сугано РЕЙКО,
Тошкент давлат Шарқшунослик институти Япон филологияси кафедраси катта ўқитувчиси, доцент.

ҲУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ

ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИ ВА КЎМАГИДА



Президентимиз Исло Каримов ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: «Тошкент шаҳрида фуқароларнинг давлат идораларига мурожаатлари, шикоят ва аризаларига муносабат масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Албатта, бундай мурожаатлар белгиланган тартибда қўриб чиқилмоқда, уларга жавоб ҳам берилмоқда. Лекин таҳлиллар баъзан шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари томонидан бу масалада сансалорлик ва расмиётчилик, камчиликларни ўз вақтида бартараф этмасдан, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрмаслик ҳолатларига йўл қўйилганини кўрсатмоқда», деб таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, фуқаролар мурожаати билан ишлаш бугуннинг ўта долзарб, эътибор қаратилиши зарур бўлган ижтимоий-ҳуқуқий масалалардан бири. Камчиликларга йўл қўймаслик, фуқароларда давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятига тўғри муносабатни шакллантириш, энг асосийси, ҳар бир мурожаатнинг ордида кимнингдир арзи, муаммоси бор, деган тушунчалар асосида иш олиб боришни устувор вазифа деб

билган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олмазор тумани бўлини-сининг бу борадаги ишларига эътибор қаратди. — Сунги пайтда фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ муаммолар бевосита жойларнинг ўзидан ҳал этилаётгани боис шикоятлар сон бирумунча камайди, — дейди мазкур бўлини раиси Бахтиёр Исмонов. — Фуқаролар бундан уқори ташкилотлар эшигини қоқмайди. Умид билан кел-

рув қарорига асосан уйни таъмирлаш-тузатиш ишлари учун зарур маблағ, ҳомилар томонидан эса ижтимоий ёрдам кўрсатилди. «Алло» маҳалласида истиқомат қилувчи бир фуқаро фарзандининг никоҳ тўйи одидан моддий ёрдам сўраб ариза билан йиғинга мурожаат этганди. Унга тўйни ўтказиш учун бўлини ва ҳомилар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. «Янги Себзор» маҳалласида яшовчи, боқувчисини йўқотган талаба Гулбаҳор Давитованинг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетидан тахсил олиши учун аризасига кўра ўқув-шартнома пули ўтказилиб берилди. 2012 йили Фонднинг Олмазор тумани бўлини-синига 450 га яқин ариза тушган бўлса, шунинг 255 тасида фуқаролар йиғинлари қошидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссиясига мурожаат этилган. Фондан иқтисодий кўмак сўраганлар сони 235 нафарни ташкил этади. Бўлини томонидан 190 нафар фуқарога жами 49 миллион 676 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Улардан 30 нафари ногирон, 40 нафари ёлғиз кекса, беш нафари уруш ва меҳнат фахрийсидир. Утган йили бўлини томонидан моддий ёрдам тулини раислари, мастул котиблари ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳар ҳафтада бир марта кенгашиб, мурожаатларни ўз вақтида ва жойида ҳал этишнинг чорасини кўрмоқдалар. Хусусан, Исмоил Шойиш номидаги маҳаллада яшовчи Ш.Султоновнинг уйи оловдан катта таалафот кўрди. У танг аҳволдан чиқиш учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Олмазор тумани бўлини-синига мурожаат этди. Ариза атрофича ўрганилиб, бошқа-

ариза ва шикоятларнинг сони шунча камайди. Қайси бир шикоятда ҳақиқат, қайси бирида эса шикоят адолат борлиги айнан шундай муҳокамалар пайтда аён бўлади», деб таъкидлаганди. Фуқаролардан тушаётган мурожаатларни ўрганиш ва таҳлил этиш жараёнида тумanning «Бўстон», «Иброҳим ота», «Исмоил ота», «Мискин», «Навбаҳор», «Тахташ», «Чимбой», «Янги Себзор» маҳалла фуқаролар йиғинларида аввалги йилларга нисбатан мурожаатлар кўпайганини кузатиш мумкин.

— Бу эса, йиғинлар мутасаддилари фуқаролар билан яқин муносабатда бўлмаганини, уларнинг муаммолари билан қизиқмаганини кўрсатади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олмазор тумани бўлини-сини бош мутасаддиси Ҳожиакбар Вафоев. — Шунинг учун маҳалла мутасаддилари ва фаолларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича тушунтириш ҳамда йўриқномада берилади. Қолаверса, йиғинларда турли маънавий-маърифий кечалар ташкил этилиб, фуқароларга ўринсиз ёки шахсий адолат туғайли аризабозлик қилинганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжудлиги тўғрисида тушунтириш берилади. Фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида жавоб бериш аҳолининг маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган ишончини оширади. Бу эса, мутасаддилардан ҳалқ билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиш, уларнинг ҳаётини янада чуқурроқ билишни талаб этади. Зеро, ҳар бир мурожаат ордида инсон тақдир, шаъни ва қадр-қиммати муржасамдир.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ МУЖДАСИ



Бундан бир-икки йил илгари вилоятимизга ташриф буюрган киши бугун яна қайта келса, бу ерларни танитмаслигини аниқ. Кенг ва раво кўчалар, қишлоқларда намунали лойиҳалар асосида бирин-кетин барпо этилаётган уй-жойлар, турли иншоотлар, саёдо ва манший хизмат кўрсатиш объектилари, таълим муассасалари бинолари воҳамиз чироғи зоб бермоқда. Мен узоқ йиллардан буён ёш авлодга тарих фанидан сабоқ бериб келаман. Истиқлол йилларида айнан Юрбошимиз ташаббуслари билан Ватанимиз тарихига муносабат узгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз номлари қайта тикланди. Ёш авлод буюк бобокалонларимиз сиймосидан гурурланиб, улардан илҳом олиб ўлайишининг ўзи мамлакат эртас ҳақида муайян тасаввур беради. Республикаимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, уларнинг натижаси дунё аҳлини ҳайратта соломқда. Бу соҳада биздаги тажрибани ўрганиб, андоза олишаётимиз. Мен Юрбошимиз билан ўрашиб, сўхбатлашши бахтига мушарраф бўлганман. Ушунда Богот туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан ўрашган Президентимиз ўқувчиларнинг ҳозиржавоб, серҳаракат, билимдон ва узоқолиғидан мамнун бўлдлар. Келажакимиз эгаларининг таълим-тарбияси бевосита мамлакатимиз истиқболига даҳадор эканини қайта-қайта таъкидлаб, бизларга тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар бердилар. Бундан руҳланиб, бор куч-тайратимиз билан ёш авлод камолоти йўлида тер тўкаётимиз. Воҳада ўтган сессияда Президент Исмоил Каримов: «Мен бугун фермерлар билан ўрашганимда, «Ўзтекс Шовот» корхонасининг ишта тушганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Шовотлик фермернинг айтишича, одамлар ҳар кун бу замонавий бинони томоша қилиб ўтаётган экан. Бу кўп нарсани билдиради. Бу бино шунчаки чирой бериш учун эмас, балки қишлоқда яшашга алоҳида қизғинликни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳаётини яхшилашга хизмат қилишини одамлар яқин тушунади», дедилар. Дарҳақиқат, замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона йилга 7000 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Бу эса, 21 минг тоннадан зиёд чигитли пахта хомашёсига эҳтиёж кўради. Днёримизда бундай йирик корхоналар фаолият юритаётгани истиқлол мўъжизаси, Президентимиз олим

КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИДАН

ЯРАШТИРИШ ЯХШИЛИКНИНГ ЯРОФИДИР

— Яраштириш комиссиясига бой ҳаётий тажрибага эга намунали оила вакиллари ҳамда хушқўл, оғир-вазмин кишиларни жалб этамиз. Бу муаммоларни вазиятларни бартараф этишдаги муваффақиятларимизнинг муҳим омилли бўляпти, — дейди Хўжаобод туманидаги «Анджон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳринос Акбаров. — Утган икки йил давомида комиссия қўни-қўшилар ўртасидаги 8 та низоли ҳолатга барҳам берди. Таҳлиллар шунини кўрсатдики, узаро жанжалларнинг сабабли жуда оддий. Масалан, фарзандлар орасида тушуни, йўл талашиш ва ҳоказолар. Маҳалла ҳудудидаги 4 та кўчанин ҳар бирига комиссия аъзоларидан икки нафари бриктирилган. Улар ким қандай яшайпти, оилавий шароити қанақа хонадонда ишчилар борми, йўқми, волея етмаганиларнинг тарбияси оғир кечмаяптими, хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини беш панжалари каби билиб боришга ҳаракат қиладилар. Яқинда бир воқеа содир бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини идораси ёнидаги кўчада яшов-

чи ука ўз акасини туртиб юборибди. Гап шундаки, жигарбандлар бир-бирлари билан қўшини яшайдилар. Акада 2, укада эса 3 нафар фарзанд бор. Ушбу хабар ушунча кўниёқ профилантика нозир Дикашбек Гозиевга етиб келди. Унинг таклифи билан оқшом чоғи Яраштириш комиссияси аъзолари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Раҳиммахон Йўлдошева, отиной Сарвархон Раҳмонова, посьбонлар сардори Иқболжон Самодов, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳалима Ҳосилова раис Баҳринос Акбаровга ҳузурда тўпландилар. Дикашбек ака-укаларни ҳам тезда тошиб келди. Қисқа муддатли муҳокамадан сўнг комиссия аъзолари акасини «ранжитган» уканинг хатти-ҳаракатларини оқладилар. Маълуи бўлишича, ака кейинги ойларида уйдан ташқарига чиқмай, мутасадди ичкиликбозлик билан шугулланган. Фарзандлар тарбияси билан мутасадди шугулланмай қўйган. Боз устига, турмуш урғотини пул тошиб келишга мажбурлаган. Яна рўзгордаги қўлга илган нарсаларни ҳам яширишга сотинишга улгурган. Аввалга бор аламинини

ичига ютган Ҳалимадан охири оқибат қайнисига дардини тўкиб солган. Комиссия аъзолари акасининг чин дилдан, астойдил кечирим сўраганини инобатга олиб, бу масалани муҳокама қилиш билан келанишини лозим топдилар. Шунингдек, уни маҳалла ҳудудидаги мактабга ишга жойлаш тўғрисида келишиб олдилар. Унинг юриш-туруши ва меҳнат интизомига риоя қилиш посбонлар сардори зиммасига юкатилади. — Агарда мана шундай воқеалар ўз ҳолига ташлаб қўйилса охири яхшилик билан тугамаслигини таъини, — дейди профилантика нозир биз билан сўхбатда. — Ҳар қандай зиддиятга ўз вақтида барҳам бермоқ керак. Фуқаролар доимо жамиятдаги бурч ва масъулиятларини тушуниб етганларидангина амалдаги қонуналарга риоя қилишни ўрганадилар. Шунини қайд этиш жоизки, маҳаллада қўни-қўшилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарини мусулман мутасадди юзасидан доимо турли ҳаётий ҳикоялари кенг тарғиб қилинади. Айниқса, қўни-қўшилар ўртасидаги алоқаларни ҳамини яқиндан ёрдам берадилар. Яна «Ён қўшининг — жон қўшининг»,



«Қўшининг тинч — сен тинч», «Ҳовли олма, қўшни олма», «Еттидан бири қўшининг ҳақи» каби мавзуларда сўхбатлар, савол-жавоб кечалари, шoir ва ёзувчилар билан ўрашувлар ташкил этилаётир. Хўжаобод 2 та умумтаълим мактабига ўтказилаётган тадбирларда узаро инсоний муносабатлар, меҳр-оқибат, хайру-саховат мавзуларида маҳалла оқсоқоллари, нурунийлар, меҳнат фахрийлари ҳамда таниқли кишиларнинг тадбирлар уюштирилаётир. Бу борада Яраштириш комиссияси аъзолари буларга алоқаларни ҳамини яқиндан ёрдам берадилар. Яна «Ён қўшининг — жон қўшининг»,

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШЛАРИ

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқарувининг 2012 йил фаолият якунларига бағишланган йиғилишида бўлим ва бўлинмалари томонидан ҳисобот даври мобайнида аҳолининг барча қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб хайри ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, вилоятдаги 73 та кам таъминланган оила фарзандларининг, етти нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг никоҳ тўйларини ўтказишга кўмаклашди. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида уюштирилган умум-ҳалқ хайрия ҳашарларидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳисоб-рақамига келиб тушган маблағлар ҳисобидан 45 мингга яқин эҳтиёжманд оилага озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уй-жойларини таъмирлаш учун қурилиш метериаллари олиб берилди. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида»

ришлар сони кескин камайди. Хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес кенг йўлга қўйилгани, томоққадан унуми фойдаланилаётгани турмуш фаровонлигини таъминлаш билан бирга, ишчилар сони камайишида муҳим омил бўлди. Фуқаролар йиғинлари қошида касаначилик, тикувчилик, қандолат маҳсулотлари цехлари ташкил этилиб, кам даромадли хонадонларнинг фарзандлари иш билан таъминландилар. Йиғилишда ижобий ишлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларга ҳам тўхталди. — Фуқаролар йиғинлари томонидан аҳоли мурожаатларига эътиборсизлик билан ёндашиш ҳолатлари кузатилгани сабабли жойларда қайта мурожаатлар кўп учрамоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Меали Пулатов. — Моддий ёрдам ва нафақалар тайинлашда мавжуд мезон ва талабларга амал қилмаслик ҳолатлари Деҳқонobod тумани ҳамда Қарши шаҳрида кузатилади. Шунингдек, моддий ёрдам ва на-

фақалар тайинлашдаги ноҳомисликлар аҳолида ҳақли эътирозларни туғдираётир. Натижада фуқаролар йиғинлари раислари устидан шикоятлар тушмоқда. Мавжуд 92 та ариза ва шикоятнинг энг кўп қисми Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Гузор, Яқкабоғ туманларидаги ана шундай ҳолатлар билан боғлиқ. Ил якунларига бағишланган йиғилиш «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Сурхондарё вилояти бўлими бошқарувида ҳам бўлиб ўтди. Тадбир аввалда Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси лавозимида ишлаган Холмуҳамид Эргашев ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилгани маълуи қилиниб, шу вақтгача вилоят ҳокимлигининг «Интеллект» кадрлар тайёрлаш маркази раҳбари вазифасида ишлаган Арол Абдуразоқовни мазкур лавозимга тайинлаш тўғрисидаги Фонд республика бошқаруви фармойиши ўқиб эшиттирилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида фонднинг бўлим ва бўлинмалари томонидан 116 та кам таъминланган оилага бир бошдан қор-



бидати бошқа масалалар ҳам иштирокчилар томонидан ўрганилиб, атрофича муҳокама этилди. Танқидий руҳда ўтган йиғилишда айрим бўлинмалар раҳбарлари томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. 2012 йил якунлари ва истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш Фонднинг Андижон вилояти бўлимида ҳам танқидий руҳда ўтди. Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

«КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ, ОЛАМ УЙИДИН»



< 1 >

Шу уринда улуг шоирнинг Ва-тан ҳақидаги мисраларини ёдга олайлик:

*Толари олинда фалак сода дашт,
Борчага кук қулмасидин саргузашт.*

*Ҳар бирининг жавфида юз турфа
кон,
Конин этиб жавоҳир мақон...
Сабзасидин гулшани мийғона
рашк,
Туфроғидин анбари сорога рашк...*

Навоий шоҳнинг ҳам, гадоининг ҳам, ошиқнинг ҳам, орифнинг ҳам — ҳамма-ҳамманинг шоири. Навоий шеърятидан ҳар қандай эзгу ниятли киши нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва руҳан қим нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуддир. Чунки Навоий шеърятда битта бош мақсад бор — бу комиллик. Битта сарбон туйғу мавжуд — бу комиллик. Асосий биригина нур қайноғи бор — бу ишқ.

*Бўлмас ишқ икки жаҳон
бўлмасин,
Икки жаҳон демаки, жон
бўлмасин.*

Зотан, икки жаҳоннинг ҳам мазмун-моҳияти ва саодати ишқу ошиқликдадур.

*Ошиқ онн билки, эрур дардинок,
Ҳам тилу, ҳам кунлино,
ҳам кўзи пок.*

Кишига ҳақиқий ишқ келса, худди бемор каби ҳазин, ўйчан бўлиб қолади. Овози шикаста тортиб, феъли ҳалимлашади.

«Тили пок» деганики, ишққа йўлиққан одам ёлгон гапиролмайди, мақтанмайди, қаттиқ гапи билан бировга озор бермайди.

«Кўнгли поклик», ҳақиқий ошиқ бировга ҳасад қилмайди, гина сақламайди, қасд олмайди. Кўнгли пок

лашга даъват этар экан:

*Камол эт касбким, олам уйидин —
Сагга фарз улмағай гамнок
чиқмоқ.*

*Жаҳондин нотамам ўтмак бийниҳ
Эрур ҳаммомдан нопок чиқмоқ —*

деган мисраларни битади. Ҳақиқатан, ҳамма даврларда ҳам жамият тараққиётини им, ҳунар ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай асарлари билан Навоий ўзбек шеърятини ҳар жиҳатдан юксалтирган, шеърятда анъанавий мавзулар билан чекланмай, уни ҳаётга яқинлаштиришга эришган. Улуг шоир панднома жанрини турли усуллар билан бойитди. Навоий пандномаси ҳам мазмунан, ҳам бадиий жиҳатдан, аввало, халқ донишманчилигига, қолаверса, Шарқ муртоз адабиётида тўлган анъана ва тажрибаларга суянган ҳолда тараққий этди.

Алишер Навоий азал ва абадга маҳлиё бўлиб, кечаётган дамни қадрламаслик ақдан бўлмаслигини, вақт олдимиздан оқаётган дарё ва уни ардоқлаш ҳар бир инсоннинг қўлтуғ бурчи эканлигини шуңдай уқтиради:

*Шу дамни тут ганиматким,
келар дамдан асар йўқтур.
Не дамким, ўтти, худ, андин
тошмас нишон ҳаргиз.*

Пандноманинг наср шаклидаги энг юксак намунасини Навоий умрининг охирида яратди. Бу унинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридир. Бунда адиб ўз давридаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига нигоҳ ташлаб, жамият ҳаётдан, қўрган-билганларидан панднома шаклида янги хулосалар чиқарди. Бу — ўз даврининг энг илгор шуқтан назардан ёзилган ахлоқ китоби, қонун-қоидалар мажмуи, хулосалари бўлиб, бу асари билан Навоий ўзбек насри ривожига беқиёс ҳисса қўшди ва адабиётимизни янги бир юксакликка кўтарди. Шоирнинг «Яхши либос танга оройиш, яхши қўдош — жонга осойиш», «Фосқдан ҳаё тилама, золимдан вафо тилама» каби ҳикматлари эса халқ мақолига айланиб кетган.

Навоий пандномалари беқиёс маънавий бойлигимиз бўлиб, унинг асарларини мунтазам ўқиб-ўрганмоғимиз, улардан ўзимизга хулоса чиқара билмоғимиз ва энг муҳими, бугунги ҳаётимизга, ҳуш-ахлоқимизга, тарбиявий ишларимизга татбиқ этмоғимиз керак. Ўз доно паңна-сиҳатлари билан улуг шоир ва алоҳма доим бизга мадддор ва устоздир.

Зеро, Навоий асрлар давомида дунё адабиётига ўз макенини сақлаб келиш баробарида инсониятни эзгуликка чорлаши билан ҳам барҳаётдир.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

НОТИХО

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН 19 МЕДАЛЬ БИЛАН

29 январь — 6 февраль кунлари Жанубий Корейнинг Пхёнчанг шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон қишки махсус олимпия уйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 5 олтин, 4 кумуш ва 10 бронза медални қўлга киритди.



Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида имконияти чекланган ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда. Жумладан, уларнинг спорт билан шугуланиши учун кенг шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон махсус олимпиада ташкилоти имконияти чекланган ёшлар ўртасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларини ўтказиб келмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистон махсус олимпиада терма жамоаси ёзги ва қишки махсус олимпия уйинларида юқори натижаларни қўлга киритаётди.

Бутунжаҳон махсус олимпия уйинлари ушбу йўналишдаги халқаро ташкилот — «Special Olympics International» томонидан, Олимпия ҳаракати ва тамойилларига асосланган ҳолда, ақлий имконияти чекланган инсонлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилади.

Дунёнинг 100 дан зиёд давлатидан уч миң нафардан ортиқ спортчи иштирок этган бу галги ўйинларда 12 нафар вакилимиз спорт-

нинг уч тури бўйича беллашуларда қатнашди.

Фигурал учин мусобақасида Доинёр Тожиметов олтин медалга сазовор бўлди.

— Икки йилдан бери фигурал учин билан шугулланман, — дейди Доинёр. — Жанубий Корейдаги мусобақага мурабийим Элита Аванесян бошчилигида жиддий тайёргарлик кўрдик. Бу саз-ҳаракатларимиз ўз самарасини берганидан бахтиёрман.

Ушбу мусобақада ҳамюртларимиз Артур Хайпунг ва Диана Кузьминих биттадан бронза медални қўлга киритди.

Конькида югуриш бўйича Денис Солодоренко кумуш ва бронза медални, хотин-қизлар ўртасида Елена Горловецкая иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Шунингдек, спортчиларимиздан Азиз Бозоров, Азиз Собиров, Василий Вихулов, Раҳима Маҳкамова, Маргарита Богомолова ва Дарья Жукова қорда махсус мосламада югуриш баҳсларида 4 олтин, 2 кумуш ва 6 бронза медални қўлга киритди.

БАЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ МУДАТЛИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«ЯНГИ ЙИЛ 2013»

УШБУ ОМОНАТНИНГ САҚЛАНИШ МУДАТИ 13 ОЙ БЎЛИБ, ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР ОЛДИНДАН ЁКИ ОМОНАТ МУДАТИ ТУГАГАНДАН СЎНГ БЕРИЛАДИ.

УШБУ ОМОНАТ ТУРИНИ БАНКНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДА ОЧИШ МУМКИН. МУРОЖААТ УЧУН «АСАКА» БАНК (ОАЖ) ФИЛИАЛЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши — тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликлов
Мусаҳҳих: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Н.Чориев
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.